

“Ўзагроинспекция” нинг 2022 йил фаолият якунларига доир

ХИСОБОТИ

Ўтган 2022 йил давомида Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жами 22 603 та текширишлар ўtkазилган. (шундан, 6 дан ортиқ текширишлар хабардор қилиш тартибида амалга оширилган).

Текширишлар давомида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан ташкилот ва корхоналарнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан жами 20 мингта ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилган.

З 997 та ҳолатда 37 млрд. 253 млн сўмлик молиявий санкциялар ҳисобланган.

Шу билан бирга, 94 мингдан ортиқ огоҳлантирувлар ва 4 954 та тақдимномалар тегишли ташкилот ва идораларга киритилган, З минг 491 та материаллар қонуний қарор қабул қилиш учун судларга ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Шунингдек, 2022 йилнинг ўтган даврида Республикализга импорт қилинган ва четга экспорт қилинган жами 1млн тоннага яқин дон ва ун маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотлардан намуналар олиниб, таҳлиллар ўtkазилган ва сертификатлар расмийлаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини назорат қилиш йўналишида, қишлоқ хўжалиги техникаларини турган жойига борган ҳолда техник кўриқдан ўtkазишда “янги мобил хизмати” жорий этилди.

Қолаверса, қишлоқ хўжалиги техникаси эгаларига техник кўриқ муддати келганлигини хабардор этиш мақсадида “СМС хабарнома” дастури ишга туширилди.

Шунингдек, тракторчи-машинистларни тайёрлаш соҳасида шаффофоникни таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни қўллаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномаси бериш ахборот тизими “ТМ.UZAGROTEX.UZ” платформаси ишга туширилди.

2022 йилда жами 44 253 дона қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникалари давлат рўйхатига олиниб, трактор ва бошқа ўзи юрар техникаларга 34 376 дона давлат рақами белгиси, 88 594 дона янги Ай Ди-

карта шаклдаги техник паспорт ва техник гувоҳнома берилиб, 242 минг 904 дона техникалар мажбурий техник кўрикдан ўтказилган.

Шунингдек, республика бўйича жами 235 та тракторчи машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланадиган давлат ва нодавлат таълим муассасалари хатловдан ўтказилиб, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси ўрганилди. Мавжуд таълим муассасаларидағи тракторчи-машинист йўналишидаги гурухларда таълим олаётган ва уни тамомлаган 13 235 нафар ўқувчиларнинг рўйхати шакллантирилди.

Сув ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш йўналишда қонунбузилиш ҳолатларини эрта олдини олиш мақсадида жойларда 21 мингга яқин профилактика тадбирлари ўтказилиб, унда 42 689 нафар фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари қамраб олинган.

Ўтказилган профилактика тадбирлари натижасида 17 мингга яқин ҳолатда қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда сув исроф бўлишининг олди олинган бўлса, 4 мингта ҳолатда сув тежовчи технологиялар ўрнатилган майдонларда мазкур технологиялардан фойдаланмасдан турган мулк эгаларига экинларини анъанавий сугоришига йўл қўйилмади.

Чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича ўтган даврда наслчилик хўжаликлари томонидан 15 687 бош наслли қорамоллар тайёрланиши белгиланиб, амалда 15 945 бош наслли қорамол тайёрланиб, аҳоли ва фермер хўжаликларига етказиб берилиши назоратга олинган.

Ўтган давр мобайнида Жисмоний ва юридик шахсларнинг жами **1 минг 441** та мурожаатларидан **1 минг 227** таси кўриб чиқилди, **48 минг 169 нафар жисмоний ва юридик шахслар вакиллари** қабул қилинди.

Шунингдек, ўтган даври мобайнида уруғчилик соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари таркибида ГМО мавжудлигини аниқлаш бўйича Ўзагроинспексия қошидаги Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш марказида Жаҳон банки томонидан ажратилган 4 млн АҚШ доллари гарант маблағлари ҳисобига янги замонивий лаборатория барпо этилди.

Бугунги кунда ушбу лабораторияга Европанинг ривожланган давлатларидан сўнгги русумдаги синов ускуна ва жиҳозларини етказиб келиб, ўрнатиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, Инспекциянинг халқаро алоқалар соҳасида хорижий давлатларнинг эксперtlари иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, соҳага оид масалалар муҳокама қилинди.

Инспекциянинг 15 нафар ходимлари Миср Араб Республикасининг пахтачиликка ихтисослашган CATGO ташкилотининг ўқув курсларида малака ошириб, халқаро сертификатга эга бўлдилар.